# Кучъ—адолатда

2014 йил
4 октябрь,
шанба
№ 40 (501)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам жаноб Талеб Рифаи!
Ҳурматли форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни — Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқларини, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм саноати вакилларини қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириш, Ижроия кенгашнинг 99-сессиясига самарали ва муваффақиятли иш олиб боришни тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Аввалламбор, Ўзбекистон Президентини мана шундай қарсаклар билан, очиқ юз билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олганингиз учун сизларга катта раҳмат айтмоқчиман. Бунга жавобан мен ҳам сизларни айнан Самарқандда, Ўзбекистонда кўриб турганимдан чин дилдан хурсанд эканимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Сизлар бизнинг заминимизга ташрифингиздан мамнун ва рози бўлсангиз — бу менинг энг катта тилагим, десам, айни кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Бугун бу залда 150 дан ортиқ туризм саноати вакиллари ҳозир бўлганидан хабардорман. Бу анжуманда, шунингдек, бизнинг дўстларимиз — Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатлар ҳам иштирок этмоқда. Улар бизнинг меҳмонларимиз билан биргаликда барча муҳим анжуман ва тантанали маросимларимизда доимо қатнашиб келишади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби жаноб Талеб Рифаи ва кенгашнинг барча аъзоларига мазкур кенгашнинг навбатдаги сессияси мажлиси ўтказиладиган жой сифатида турли маданиятлар чорраҳаси ва жаҳон цивилизацияси дурдонаси бўлмиш қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрини танлагани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Самарқанд шаҳрининг тарихий аҳамияти, унинг беқиёс гўзаллиги ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Салкам уч минг йиллик ғоят бой тарихга эга бўлган бу азим шаҳар ўзининг улуғвор меъморий ёдгорликлари, мовий гумбазлари, бетакрор шарқона қиёфаси ва руҳи билан саёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортиб келади.

Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Яқинда Американинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган "Хаффингтон пост" интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳарлар рўйхатига киритди.

Ўзида энг қадимги даврлар ва бугунги ҳаётни узвий равишда уйғунлаштирган ушбу шаҳарда туғилиб вояга етган инсон сифатида сиз, азиз меҳмонларимизни мана шу меҳмондўст заминда кўриш ва бутун Самарқанд аҳли номидан, шахсан ўз номимдан "Самарқандга хуш келибсиз!" деб айтиш менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг бугунги сессияси мажлисининг асосий кун тартиби ғоят муҳим масалага — "Буюк ипак йўли — халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари" мавзусига бағишланган.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи милоддан аввалги икки мингинчи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўҳна Рим ва Бобилнинг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Шу ўринда биз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаганимизни айтиб ўтиш жоиздир.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, ҳунармандлик ва савдо-сотиқ кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса — Буюк ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган. Милоддан олдинги III-II минг йилликлардаёқ вужудга келган коммуникация тармоқлари Месопотамия текисликларидан Ҳинд водийсигача, Ўрта Осиё воҳаларидан Араб денгизигача чўзилган бепоён Ўрта Шарқ минтақасидаги бир-биридан жуда узоқдаги маданиятлар ва мамлакатларни боғлаган. Кейинчалик ана шу ҳудудлар Буюк ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайиши аҳолининг кўчиб юришига сабаб бўлган. Улар ўзлари билан бирга меъморлик, маданият ёдгорликлари, нумизматика ва ҳунармандлик маҳсулотларида акс этган ўз урф-одатлари ва дунёқарашини ҳам олиб келган.

Ўша замонларда энг юқори даромад келтирадиган ва сотиш мақсадида узоқ масофаларга ташиш учун энг қулай товар ипак бўлган. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли орқали яна кўплаб бошқа товар ва буюмлар, жумладан, чинни, ойна, шиша, гилам, металл, қурол-яроғ, турли тақинчоқлар, чой, зираворлар, шунингдек, машҳур хитой қоғози ташилган.

Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Айнан маърифий туризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва менинг назаримда, бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим қадриятларидан бирига айланмоқда.

Бугун биз туризмнинг ўрни ҳақида, айниқса, халқаро сайёҳликнинг ҳозирги босқичдаги аҳамияти ҳақида гапирганда, энг долзарб масалалардан бири — бу толерантлик тамойили бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз айнан туризм орқали толерантлик нима эканини биламиз, англаймиз. Бу халқаро тушунча бўлиб, дунёдаги барча миллатларга бирдек қадрли ва тушунарлидир. Толерантлик аввалламбор турли миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишини ва энг асосийси бир-бирини тушунишни англатади.

Бу икки тушунчани ана шундай англаш қаердаки туризм ривожланган бўлса — ўша ерда толерантлик бор, деб айтишга имкон беради, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Буларнинг барчаси турли даврларда Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган машҳур саёҳатчи ва тадқиқотчиларнинг кундаликларида ўз ифодасини топган. Бу инсонлар турли миллат вакиллари бўлганлар, хусусан, хитойлик Чжан Цянь, италиялик Марко Поло, испаниялик Клавихо, арабистонлик Ибн Фадлан ва Ибн Баттута, америкалик Пампелли, англиялик Женкинсон, германиялик Шильтбергер, франциялик Мартен ва Бонвало, венгриялик Вамбери, швециялик Хедин ва швейцариялик Майяр шулар жумласидандир. Уларнинг орасида турли касб эгалари — зиёратчилар, миссионерлар, савдогарлар, олимлар, дипломатлар, тадқиқотчи ва адиблар бўлган. Уларнинг ҳар бири халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихига салмоқли ҳисса қўшган ва бунинг учун биз улардан бениҳоя миннатдормиз.

(Давоми иккинчи бетда)

## Самарқандда жаҳон сайёҳлик форуми

**Самарқанд шаҳридаги "Форумлар мажмуаси"да 2 октябрь куни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилди.**




Ушбу халқаро анжуманда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср, Туркия, Индонезия каби туризм ривожланган ўнлаб мамлакатлар мутахассислари, халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Рифаи ЮНВТО Ижроия кенгашининг 99-сессиясини Самарқандда ўтказишга қаратган алоҳида эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Туризм — иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Мазкур соҳа дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият борасидаги амалий мулоқотида ўзига хос робита вазифасини ўтамоқда. Айни пайтда дунёда 235 миллиондан ортиқ киши ушбу соҳада меҳнат қилаётир. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда сайёҳлар оқими ҳар йили 4-5 фоизга кўпаймоқда.

(Давоми учинчи бетда)

*Xabar*

## Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумлари қўшма мажлиси



**Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий хўжалик суди пленумининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд ва Олий хўжалик суди судьялари, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Ғозиев, Олий хўжалик суди раиси К.Комилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар натижасида тизимнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинаётган қонунлар бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда. 2014 йил 6 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун шулардан биридир.

(Давоми иккинчи бетда)

## БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТАЛЕБ РИФАИНИНГ ЮНВТО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мажлисида қатнашаётганингиз билан қутлаш менга катта шараф бағишлайди.

Президент Жаноби Олийлари, сессиямиз ишида иштирок этганингиз учун Сизга самимий ташаккур изҳор этаман. Бу Сизнинг Ўзбекистон тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлган туризм соҳасини шахсан қўллаб-қувватлаётганингиздан далолат беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо барча давлатлар ва унинг Ижроия кенгаши номидан форум юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Самарқанд шаҳри ва аҳолисига ҳам самимий меҳмондўстлик ва бугунги тадбирни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўрсатган ёрдами учун чин кўнгилдан ташаккур айтаман.

Салкам 3 минг йиллик тарихга эга ва дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган қадимий ва улуғвор Самарқанд шаҳрида йиғилганимиздан барчамиз ғоят мамнунмиз.

Самарқанд — бу асрлар жилосини мужассам этган ва ўзининг бетакрор қиёфаси ва ноёблигини сақлаб келаётган замонавий шаҳардир.

Бу бугун биз жам бўлиб турган, шарқона шаҳарсозликнинг кўп асрлик анъаналари ва замонавий архитектура намуналарини уйғунлаштирган ушбу маҳобатли мажмуада ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу афсонавий шаҳарга мафтун бўлган шоир дунёда гар жаннат бўлса, у шубҳасиз Самарқанддир, деб таърифлаган.

Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани бу ерда туризм соҳасини кенг ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон туризм соҳасида сезиларли ютуқларга эришди, бунинг самарасида 2013 йилда ушбу саховатли заминга 2 миллиондан зиёд сайёҳ келди. Бу 2010 йилги кўрсаткичдан икки баробар кўпдир.

Бу бежиз эмас. Ўзбекистон ҳудудида 7 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шарқ дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон, Термиз шаҳарлари ва кўплаб обидалар шулар жумласидандир.

Шу йилнинг май ойида Самарқандда Ўрта асрларда Шарқда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирлар илмий меросининг замонавий цивилизацияга таъсири масаласига бағишланган ва жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини тортган нуфузли халқаро анжуман бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Кеча Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейга ташриф буюриб, у ерда Ўзбекистон ёшлари илғор таълим технологиялари асосида билим олаётганига гувоҳ бўлдим. Улар келажакда ўз мамлакати, унинг равнақи, бой тарихи ва маданий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитишга хизмат қилади. Инглиз, немис, француз, араб, итальян ва бошқа тилларда эркин сўзлаша оладиган бу ёшлар Ўзбекистоннинг келажагидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаган туризм инфратузилмасини такомиллаштириш муҳимлиги ҳақидаги фикрга мен тўла қўшиламан. Замонавий аэропортлар ва темир йўл коммуникациялари, меҳмонхона ва ресторанлар тармоғини янада ривожлантириш, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг сайёҳлик жозибадорлигини оширади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Бугунги мажлис иштирокчиларининг аксарияти Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган электр поездидан фойдаланди. Бу поезд туризмни ривожлантиришга ҳам ёрдам бериши муқаррар.

Европа тарихида муҳим ўрин тутган Ренессанс, яъни, Уйғониш даври аслида мана шу заминда анча илгари бошланганини таъкидламоқчиман ва замонавий маданият ҳамда цивилизация айнан шу минтақада пайдо бўлган, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Туризмни ривожлантириш катта масъулият талаб этади. Ўзининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаб келаётган Ўзбекистонда умумбашарий бойлик ҳисобланган ноёб тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ва қайта тиклашга катта миқдорда маблағ йўналтирилаётгани қувонарли ҳолдир.

Айни пайтда Буюк ипак йўли машҳур брендга айланди ва бепоён Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Буюк ипак йўлини қайта тиклашнинг асосий ташаббускорларидан биридир. Йигирма йил аввал айнан шу шаҳарда дунёнинг 19 давлати вакиллари ушбу тарихий йўлда сайёҳликни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилган эди.

Буюк ипак йўлини дунёдаги етакчи сайёҳлик йўналишларидан бирига айлантириш мақсадида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа бугун 31 мамлакатни бирлаштирганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Ижроия кенгашнинг аввалги сессиясида 2013 йилда жаҳонда туризмни ривожлантириш борасида юқори кўрсаткичларга эришилгани қайд этилган эди. Бу халқаро ташишлар ва экспорт тушумлари ҳажмининг 5 фоизини ташкил этди.

(Давоми иккинчи бетда)

*Yangi qonun mohiyati*

## Ижтимоий шерикликнинг муҳим ҳуқуқий асоси

Мамлакатимизда фаолият юритаётган етти мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, халқимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этаётир.

(Давоми учинчи бетда)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Самарқанд шаҳридаги деворий расмларда Ўрта Осиёга дунёнинг турли ўлкаларидан келган элчилар, савдогар ва саёҳатчиларнинг ташрифи ўз аксини топган. Бу ноёб тарихий асарда бундан 2,5 минг йилдан зиёд аввалги даврда Афросиёб хукмдорининг саройида Хитой, Корея, Жанубий ва Шимолий Осиё ва бошқа давлатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари тасвирланган.

Шунинг учун ҳам 20 йил аввал Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатларнинг Самарқанд декларацияси айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилингани бежиз эмас. Ушбу ҳужжатда 2-2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқалар билан боғлаган мана шу қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи баён қилинган эди.

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 2004 йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ипак йўлидаги минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган ва ҳар томонлама тўғри қарор, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривожи йўлида турли муаммолар туғдириб, унинг олдига янги-янги талаблар қўйётганини, табиийки, биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Халқаро туризмнинг ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган **энг муҳим омиллар,** ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Халқаро терроризм ва экстремизм, тобора авж олиб бораётган радикализм, маҳаллий урушлар ва бир жойдан иккинчи жойга боришда хатарлар пайдо бўлаётгани туризмни ривожлантириш борасидаги ҳар қандай саъй-ҳаракатни йўққа чиқарадиган тўсиққа айланганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ ва биз буни аниқ мисолларда кўряпмиз.

Ана шу сабаблар оқибатида кечагина туризм гуркираб ривожланган мамлакатларда бугун сайёҳлар оқими кескин камайгани ёки бутунлай тўхтаб қолгани ҳақида мисоллар келтиришнинг зарурати бўлмаса керак — ҳамиша, таъбир жоиз бўлса, сайёҳлар оқимининг чорраҳаси бўлиб келган айрим Яқин Шарқ мамлакатлари мисолида буни кўриб турибмиз.

Ўзингиз қаранг, Сурия ва Ироқда, дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган, бизнинг аждодларимиз, масалан, Муҳаммад Хоразмий фаолият кўрсатган, "Байтул ҳикма", яъни "Ҳикматлар уйи" деб ном олган жаҳондаги биринчи академия ташкил этилган Бағдодда бугунги кунда туризм борми?

Ҳозирги вақтда Бағдод қандай аҳволда, Дамашқ ва бу минтақадаги бошқа шаҳарлар қандай аҳволда? Бундай ҳолатнинг сабаби эса фақат битта: аввалги ёдгорликлар, музейлар сақланиб қолган, аммо сайёҳлар учун кафолат йўқ, хавфсизлик йўқ. Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда эса ҳеч қандай сайёҳлик бўлиши мумкин эмас. Бу ёдгорликларни кўриш учун ким жонини хавф-хатарга қўяди? Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугунги кунда тинчлик-осойишталик ва турли халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш қандай қадр қилувчи омил эканини барчамиз яхши биламиз.

**Иккинчи муаммо,** туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошиб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Бу қонуниятни жаҳонда туризмга талабнинг асосий ўсиш кўрсаткичлари ривожланаётган давлатлар, биринчи навбатда, Осиё мамлакатларининг жадал суръатлар билан юксалиб бораётган иқтисодиётида шаклланаётгани ҳам тасдиқлайди. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, унинг кўрсаткичлари туризмда бамисоли кўзгудагидек ўз аксини топмоқда.

**Учинчидан,** бугунги кунда халқаро туризм ўрта синф учун дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиб бормоқда.

Шундай бир қонуниятни кўриш, кузатиш қийин эмас — қайси мамлакатда ўрта синф қатлами қанча кўп ва кенг бўлса, унинг сайёҳлик салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бу борада ўрта синфга мансуб одамларнинг жуда ҳаракатчан ва тадбиркор бўлиши, уларнинг янгиликларни излаб яшашга, ўз қобилияти ва имкониятларини амалга оширишга интилиши муҳим ўрин тутади.

**Тўртинчидан,** сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, замонавий ахборот технологияларининг жорий этилгани — биз ҳар қадамда дуч келадиган масалаларнинг ҳаммаси бу борада катта аҳамиятга эга.

**Бешинчидан,** мазкур соҳада кўп нарса туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар даражасига боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағлари ва мазкур соҳага маблағ сарфлаши учун хусусий капитал ва бизнесга давлат томонидан зарур имтиёз, преференция ва рағбатлантирадиган омиллар яратилишини, инфратузилма, меҳмонхона хўжалиги, транспортни ривожлантириш, замонавий алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлашни ўз ичига олади.

Сайёҳлик комплексларини барпо этиш, тарихий объектлар, турли давр ва маданиятларга оид архитектура ва санъат ёдгорликларини ўрганиш ва асраб-авайлаш, сайёҳлик логистикасини ривожлантириш биринчи навбатда айни шу йўналишдаги ишларга боғлиқ.

**Олтинчидан,** юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Бугун сизлар бизнинг бир нечта коллеж ва лицейларимиз, хусусан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей билан танишдингиз. Жумладан, жаноб Рифаи ҳам бу таълим масканида бўлди. Мен хурсандманки, бизнинг ёшларимиз, фарзандларимиз азиз меҳмонларимизни муносиб кутиб олиб, ўзларининг билими ва қобилиятлари, замонавий касб-ҳунарларни, хорижий тилларни қандай пухта ўзлаштираётгани билан сизларда катта таассурот уйғотди.

Мен бутун Ўзбекистон болаларини ўзимнинг болаларим деб атайман. Шу маънода, мен дунёдаги энг бой инсонман. Мазкур лицей ўқувчилари Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби олдида ўз истеъдод ва қобилиятларини намоён этишган. Айни вақтда сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, бу ёшлар яна кўп нарсаларга қодир.

**Еттинчидан,** виза масаласини ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмиятчиликларни соддалаштириш, хусусан, сайёҳлик фирмалари фаолияти учун зарур молиявий кафолатлар бериш ҳозирги босқичда халқаро туризмни жадал ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Бундай кафолатларнинг йўқлиги кўплаб сайёҳлик операторларининг обрўсига путур етказаётгани, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг жозибадорлиги йўлида жиддий ғов бўлаётганини биз баъзи мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сайёҳлар бошқа омиллар қаторида ўзлари истаган мамлакатга бориш учун тартиб-қоидаларнинг оддий ва қулай бўлишига, бу борадаги барча зарур расмийлаштирув ишларини тез ва арзон нархда амалга ошириш имкониятига ҳам эътибор қаратмоқда.

Бу йўналишда электрон технологияларни жорий этиш, виза олиш муддатини имкон қадар қисқа бўлиши, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш, интернет орқали "онлайн" режимида сайёҳлик йўналишлари ва меҳмонхоналарни олдиндан банд қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сайёҳлар оқими ва умуман, ҳар бир сайёҳнинг кайфиятини белгилайдиган ана шундай энг муҳим шарт ва кафолатлар рўйхатини давом эттириш мумкин. Аминманки, бу борада, яъни, туризм соҳаси ва сайёҳлик бизнесида майда нарсанинг ўзи бўлмайди.

Сайёҳнинг кайфияти туристларни қабул қиладиган ҳар қандай мамлакатнинг, айтиш мумкинки, асосий бренди, яъни, товар белгиси бўлиши керак. Агар одамлар бизнинг диёримизга яхши кайфият билан келиб, шундай кайфият билан кетадиган бўлса, Ўзбекистонда туризм соҳаси мустаҳкам асосга қўйилган, деб айтишга ҳақлимиз. Бордию кимдир ёмон кайфият билан кетадиган бўлса, демак, биз унинг олдида қарздормиз. Демак, кейинги сафар айни шу сайёҳни ўзимизнинг ҳисобимиздан юртимизга таклиф қилишимиз керак.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Биз ўтган давр мобайнида бажарилган ишларимизни баҳолар эканмиз, Ўзбекистонда туризм соҳасини халқаро замонавий норма ва стандартлар даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши англаймиз.

Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоиз ўсди, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрди.

2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпаниямиз замонавий "Эйрбас" ва "Боинг" авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйлаб Испаниянинг "Талго" компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездларининг ҳар кунги қатнови йўлга қўйилган. Ўйлайманки, сизлар буни реклама деб қабул қилмайсиз, лекин ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, барча мамлакатларга, жумладан, бизга қўшни бўлган давлатларга ана шу компаниянинг поездларини сотиб олишни тавсия этган бўлардим. Нега деганда, улар ҳам арзон, ҳам ишончли, энг муҳими, "Талго" фирмаси ўзининг яхши ҳамкор эканини амалда намоён этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" поезди қатнай бошлагандан буён юртимизда чет эллик сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди. Бухоро ва Қарши шаҳарларигача юқори тезликда ҳаракатланиш учун мўлжалланган темир йўл тармоқларини электрлаштириш ва қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса туризм ривожи учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканлари ўз ичига олган кўплаб йўл бўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида халқаро туризмнинг асосий тузилмасини ривожлантириш учун жами инвестицияларнинг 580 миллион доллардан ортиғи йўналтирилди ва бу борадаги ўсиш ўтган йилга нисбатан 19 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Биз Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улуғвор ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айни пайтда уларни Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва тароватни билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин ва зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор.

Мамлакатимизда юксак сифати ва эстетик жозибаси, қадимги санъат анъаналарини ўзида сақлаб келаётгани билан ажралиб турадиган миллий ҳунармандликни қайта тиклаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда миллий ҳунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилганини алоҳида қайд этишни истардим.

Ҳунарманд усталаримизнинг неча асрлик тажрибасидан юртимиздан ташқарида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Кулолларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ўрганмоқда.

Ўзбекистон Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган йирик сайёҳлик кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Жорий йилда йиғирманчи бор ўтказиладиган ва сайёҳлик бизнеси соҳасида мулоқот қилиш учун кенг имконият яратадиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан 12 мингдан ортиқ киши келиши кутилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан самарали ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, қўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга ишонамиз.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, интернет орқали унинг жозибадорлигини ошириш, бунда Фарғона водийсининг ҳали ўрганилмаган сўлим ва гўзал гўшалари, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тоғ ёнбағридаги экологик тоза масканларидан фойдаланган ҳолда, "Буюк ипак йўли" брендини кенг жорий этиш ҳақида бормоқда.

Биз сизларни нафақат Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, балки бошқа шаҳарларимизда ҳам кўриш, ўзбекона самимий меҳмондўстликдан баҳраманд бўлишингиздан ҳамиша мамнунмиз.

Бугун мана шу муҳташам залда тўпланганларга яна бир бор юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман, сессия иши самарали бўлишини, барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ўзбекистонга кўрсатаётган эътибор ва ҳурматингиз учун миннатдорлик билдираман.

# БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТАЛЕБ РИФАИНИНГ ЮНВТО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бу бизнинг умумий ишончимизни янада мустаҳкамлайди. "ЮНВТО жаҳон сайёҳлик барометри"нинг сўнгги маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида халқаро саёҳатлар 4,6 фоизга ўсган.

Бу борада эришилган ютуқлар шундан далолат берадики, туризм сўнгги йилларда ижобий ўсиш суръатларини мустаҳкамлаб, бутун дунё иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Геосиёсий ва иқтисодий таҳдидларга қарамасдан, 2010 йилдан буён халқаро саёҳатлар сони йилига ўртача 5 фоиз ошмоқда. Бу тенденция иқтисодий ривожланишга, шунингдек, экспорт ҳажми ва иш ўринларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Туризм бугунги кунда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан зиёд киши саёҳат қилмоқда.

Жаҳон ялпи маҳсулотида туризмнинг улуши 9 фоизни ташкил этмоқда, янги ташкил этилаётган ҳар 11 иш ўрнининг биттаси ушбу соҳага тўғри келмоқда.

Миллионлаб меҳмонхона ва дўкон эгалари, ошпазлар, ҳунарманд ва экскурсоводлар туризмни жадал ривожлантириш, унинг янада оммавийлашишига ёрдам бермоқда.

Шу ўринда туризм ривожи мамлакатлар ва халқларнинг маданий қадриятларига зарар етказмаслиги лозимлигини таъкидлаш даркор. Кўп тармоқли туризм саноатини ривожлантириш масъулиятини ўз зиммамизга олишимиз шарт.

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига туризмни иқтисодий тараққиёт ва фаровонликни, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим восита сифатида ривожлантиришни қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсизлар.

Биз Ўзбекистон амалга оширилган буюк ўзгаришлар гувоҳи бўлдик. Туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган Президент Ислом Каримовнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли Ўзбекистон туризмни ривожлантиришнинг асосий марказларидан бири бўлишига ишонамиз.

Шу заминда туғилиб воязга етган буюк инсонлар башарият цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Алгебра асосчиси Хоразмий, файласуф Форобий ёки улуғ қомусий олим Абу Райҳон Беруний, тиббиёт илмига асос солган Абу Али ибн Сино каби буюк аллома ва мутафаккирларни бутун дунё яхши билади.

Форум самарали ўтишига қатъий ишонаман. ЮНВТО Ижроия кенгашини гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳрида ўтаётган 99-сессияси ишига муваффақият тилайман.

*Xabar*

# Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумлари қўшма мажлиси

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мазкур қонун билан корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги яна ҳам аниқ белгиланди. Акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамияти оширилди. Миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилди.

Қонунда акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, устав капиталини шакллантириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини аниқлаш, жамиятнинг акцияларини оммавий таклиф қилиш йўли билан жойлаштиришнинг ўзида мужассам этган қатор нормалар ифодасини топган. Хусусан, акциядорлик жамиятларининг сунъий тарзда очиқ ва ёпиқ шаклларга ажратиш бекор қилиниб, акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа акциядорлар томонидан сотилаётган акцияларни акциядор ва акциядорлик жамияти томонидан сотиб олиш шартлари белгиланган.

Умуман айтганда, қонун акциядорлик жамияти фаолиятини ошкоралигини таъминлаш орқали салоҳиятли инвесторларни жалб этиш, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, кам сонли акция эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда акциядорлик жамиятлари бошқарув ва назорат органларининг акциядорлар олдидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Акциядорлар жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши инобатга олиниб ҳамда мазкур субъектлар иштирокидаги низоларни ҳал этишда судлар томонидан ушбу қонун нормаларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида мажлисда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги янги қарор лойиҳаси муҳокама қилинди.

Олий суд ва Олий хўжалик суди пленумлари томонидан ушбу масала бўйича қабул қилинган қарор юқорида номи қайд этилган қонунни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, одил судлов сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама этилиб, ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбири*

# Самарқандда жаҳон сайёҳлик форуми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)




Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон замонавий сайёҳлик инфратузилмаси ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Мамлакатимизга келувчи сайёҳлар оқими мунтазам ошиб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз олий даражадаги учрашувлар, халқаро конференциялар, нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилаётир.

Мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ватанимиз тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби кўплаб турлари ривожланмоқда.

Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, халқаро ва маҳаллий аэропортлар, транспорт коммуникациялари барпо этилаётгани самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир. 2011-2013 йилларда мамлакатимизга келган хорижлик туристлар сони 129,5 фоизга ошди. Сайёҳлик хизматлари ҳажми 175,8 фоиз, шундай хизматлар экспорти 180,2 фоиз ўсди. Мингдан ортиқ сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 550 туроператор ва агентлик, 500 дан зиёд меҳмонхона уларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида хорижий меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш ҳамда уларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга ўнлаб меҳмонхоналар қад ростлади. Дунё миқёсида тан олинган "Radisson", "Lotte", "Dedeman", "Grand Plaza" каби брендлар остида хизмат кўрсатувчи отеллар билан бирга, кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун хусусий меҳмонхоналар тармоғи барпо этилди.

Изчил ривожланаётган ҳаво ва темир йўл транспорти саёҳатларни тез, қулай ва хавфсиз ташкил этиш имконини бермоқда. 2011 йилдан қатнови йўлга қўйилган "Афросиёб" тезюрар поезди пойтахтимиздан Самарқандга бориб-келувчилар учун жуда маъқул бўлмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси халқаро авиаташувлар бозорида муносиб ўрин эгаллади. Бугун Ўзбекистонда ўн битта халқаро аэропорт фаолият кўрсатмоқда. Ҳаво кемалари парки ва аэропортлар модернизация қилингани, парвозлар географияси кенгайгани туризм соҳасини янада ривожлантириш, сайёҳларни юртимизга жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори туризм ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол таклиф этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ва бошқа ташкилотлар "Ўзбекистон" миллий стенди доирасида дунёнинг кўплаб йирик шаҳарларида ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келаётир. Бу мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотларига хорижий ҳамкорлар билан янги алоқалар ўрнатиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб бориш имконини бераётир.

Сайёҳликни ривожлантириш ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона бошқаруви ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос анъаналари, тарихий обидалари, табиий иқлим шароити билан ажралиб туради. Аҳоли даромадлари ошиб бораётгани ва сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашаётгани самарасида мамлакатимизда ички туризм ҳам тобора ривожланмоқда. Ҳар бир ҳududнинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Масалан, тарихий обидалар камроқ бўлган жойларда экотуризм, геотуризм, off-road саёҳатлари, тоғли зоналарда экстремал туристик хизматлар ташкил этилмоқда. Сайёҳликни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастурларга мувофиқ маданий мерос объектларини реставрация қилиш, туристик объектларни қуриш ва таъмирлаш, янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. Самарқандда мазкур ташкилотнинг Буюк ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш бўйича минтақавий маркази фаолият юритмоқда. ЮНВТОнинг 2011 йил октябрь ойида Жанубий Кореяда ўтган Бош ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси иккинчи марта ушбу ташкилот Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу мақомга дунёнинг жуда кам давлатлари сазовор бўлган.

2014 йилнинг июнь ойида Испаниянинг Сантьяго-де-Компостела шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 98-сессиясида Ижроия кенгашнинг навбатдаги 99-сессиясини Самарқандда ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

"Ер юзининг сайқали" ва "Шарқ гавҳари" деб аталадиган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд азалдан ўз кўрку салобати билан барчани мафтун этиб келади. Шаҳарнинг қадимий ва замонавий иншоотлари, гўзал ва сўлим табиати сайёҳликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар яратмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонида салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мужассам.

Истиқлол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳобат касб этди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказида Соҳибқирон бобомизнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Мирзо Улуғбек расадхонаси ва мадрасаси қайта таъмирланди. Президентимиз фармонига мувофиқ 1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд шаҳри "Амир Темур" ордени билан мукофотланди. Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд шаҳри куни сифатида нишонлаб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанднинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди. 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу қутлуғ тўй арафасида боқий шаҳар янада гўзаллашди. Барпо этилган ўнлаб ижтимоий-маиший иншоотлар — таълим муассасалари ва спорт майдончалари, тиббиёт масканлари ва меҳмонхоналар, магистрал йўллар, кўркам боғу хиёбонлар Самарқанд аҳолиси ва меҳмонларига ҳар томонлама муносиб шароит яратиш баробарида, қадим шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Амир Темур, Руҳобод мақбаралари, Регистон майдони, Ҳазрати Ҳизр ва Бибихоним масжидлари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Мирзо Улуғбек расадхонаси қайта таъмирланди. Уларни бир-бирига боғловчи кичик ҳалқа йўлининг қурилиши шаҳар аҳли ва сайёҳлар учун яна бир қулайлик яратди.

Самарқанднинг сайёҳлик имкониятлари шаҳар иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда бу ерда юздан зиёд сайёҳлик фирмаси ва юзга яқин меҳмонхона фаолият кўрсатаётир.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш учун яна бир қулай имконият бўлиб, хорижий сайёҳлик ташкилотлари ва компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Сессия дунёнинг етакчи экспертларига жаҳон сайёҳлик бозорининг бугунги ҳолати ва истиқболлари хусусида тажриба алмашиш, бу борадаги янги тенденциялар, долзарб сайёҳлик муаммоларини муҳокама қилиш имконини бераётир.

Халқаро анжуман иштирокчилари Регистон мажмуаси, Амир Темур ва Хўжа Дониёр мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, "Афросиёб" музейи каби диққатга сазовор жойлар ва замонавий таълим муассасалари фаолияти билан танишди. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига, шаҳарнинг улкан сайёҳлик салоҳиятига, соҳада кадрлар тайёрлашга қаратилаётган алоҳида эътиборга юксак баҳо берди.

Сессиянинг ялпи мажлисида Буюк ипак йўли — халқаро сайёҳликни ривожлантиришнинг янги истиқболлари, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, минтақавий ривожланиш ва интеграцияни рағбатлантиришда сайёҳлик маршрутларининг роли, халқаро туризмнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш бўйича чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашилмоқда, бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
*ЎзА махсус мухбирлари*

*Yangi qonun mohiyati*

# Ижтимоий шерикликнинг муҳим ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мустақилликнинг ўтган даврида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборнинг яққол тасдиғидир.

Айтиш керакки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ишлаб чиқилган ва 2014 йил 26 сентябрда матбуотда эълон қилинган **"Ижтимоий шериклик тўғрисида"**ги қонун бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу янги қонун 5 боб, 30 моддадан иборат бўлиб, ижтимоий шерикликнинг субъектлари, принциплари, шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби энг муҳим масалаларни ўзида мужассам этган.

Айтиш керакки, қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини англатиши мустаҳкамланди.

Шунингдек, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектлари сифатида белгиланди. Бу борада шуни ёдда тутиш лозимки, давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлиги алоҳида қонунлар билан тартибга солинади.

Ижтимоий шериклик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, атроф муҳитни, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллатлараро, маданиятлараро тотувликни мустаҳкамлаш, кўп асрлик, маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш каби соҳаларда амалга оширилиши қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлари, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши, ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш, ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сифатида белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари ушбу янги қонунда ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турлари сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкий, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; бундай институтларга моддий ёрдам кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериш; нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларни бериш ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш белгилаб қўйилмоқда.

Қонунда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, унинг маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ва уларнинг вазифаларига оид меъёрлар ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу қонундаги яна бир ўта муҳим янгилик шундан иборатки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида жамоат фондлари ҳамда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилиши белгилаб қўйилди. Албатта, бу жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббусларини ривожлантириш, шунингдек, уларнинг жойлардаги социал ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги иштирокини рағбатлантириш, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга, гуманитар масалаларни ҳал этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кучли турткi бўлиб хизмат қилади.

Қонунда ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш асослари ҳам аниқ мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Унга кўра, ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш: давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари; ижтимоий шериклик субъектларининг ўз маблағлари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қонунда яна бир муҳим ва асосий масала, яъни ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз уставларига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўз аъзолари ва иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш, ташаббуслар билан чиқиш, давлат органларига тегишли таклифлар киритиш, давлат органларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, давлат органларига ахборот олиш тўғрисида сўровлар билан мурожаат этиш, жамоатчилик назоратини ўтказиш каби ҳуқуқларга эгадир. Айни вақтда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бир қатор мажбуриятларга ҳам эга бўлиб, улар сирасига ўз фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

ижтимоий шериклик соҳасидаги битимлар ва шартномалар, дастурлар ва лойиҳалар бўйича мажбуриятларни бажариш;

ижтимоий шериклик доирасида фаолиятни амалга ошириш чоғида фуқароларнинг манфаати ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

ижтимоий шериклик доирасида тақдим этилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш кабилар киради.

Шунингдек, қонунда давлат органларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Қонунда давлат органларига фаолиятининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган устувор йўналишларини аниқлаш, уларга ижтимоий шерикликда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур институтларнинг ташаббус ҳамда таклифларини кўриб чиқиш, зарур ҳолларда жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш, ижтимоий шериклик соҳасидаги битим ва шартномалар, дастурлар ҳамда лойиҳалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши шартлиги каби мажбуриятлар ҳам юклатилиши белгилаб қўйилмоқда.

Мазкур қонун 2015 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Янги қонун мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун қулай муҳитни юзага келтиришга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтиришга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди*

*Mezon*

# Меҳнат ҳуқуқи

## судлар томонидан амалда самарали таъминланмоқда

**Маълумки, меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг биринчи ва асосий омилларидан бири саналади. Шу боис Конституциямизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.**

Шунингдек, амалдаги қонунларимизга кўра, ҳар бир ходим ўз меҳнат вазифасини ҳалол ва виждонан адо этиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига риоя этиши лозим. Ва, ўз навбатида, иш берувчи ҳам ходимлар меҳнатини тўғри ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши ғоятда муҳимдир.

Айтиш керакки, бугунги кунда судлар томонидан меҳнатга оид низолар қонун талаби асосида кўриб чиқилиб, ҳал этилмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судлари томонидан меҳнат низолари билан боғлиқ ишлар ўз вақтида кўриб чиқилиб, фуқароларнинг қонуний манфаатлари амалда тўлиқ таъминланмоқда.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Ш.Парпиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2009 йил 1 июлда Наманган шаҳридаги "Озиқ-овқат саноати" касб-ҳунар коллежига физика фани бўйича лаборант вазифасига ишга қабул қилинган. Аммо 2013 йил 6 апрелдан иш берувчининг ташаббусига кўра, ички меҳнат тартиб-қоидаларини бузган деган важ билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига асосан, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Ўз навбатида, Ш.Парпиева ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилган. Вилоят касаба уюшмаси мутасаддилари ушбу низони ўрганиб чиқиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича коллеж раҳбарияти номига тақдимнома киритган. Бироқ ушбу тақдимнома коллеж маъмурияти томонидан эътиборсиз қолдирилган. Шундан сўнг Ш.Парпиева аввалги лавозимига ишга тиклаш, мажбурий прогулда юрган кунлари учун белгиланган тартибда иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришни сўраб, судга мурожаат қилган.

Шуни қайд этиш керакки, суд мажлиси жараёнида Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг ишончли вакили ҳақиқатан ҳам, даъвогар 2013 йил апрель ойида мурожаат қилганини, улар ушбу мурожаатни ўрганиб чиқиб, иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 101-108-моддалари талаблари бузилгани туфайли коллеж раҳбарияти номига тақдимнома киритилганини, бироқ тақдимнома талаблари бажарилмаганини қайд этди.

Суд томонларнинг тушунтиришини, адвокат ва прокурорнинг фикрини тинглаб, фуқаролик ишида мавжуд бўлган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқди ва Ш.Парпиеванинг даъво аризасини қаноатлантириб, уни ишга тиклаш ва мажбурий прогулда юрган вақти учун 671154 сўм иш ҳақи ва 300 000 сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

*E'tirof*

# Миллий тараққиётимизнинг қудратли омили

**"Дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча ғурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди".**



Президентимизнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида келтирилган ушбу эътироф бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда илм-маърифат эшиклари кенг очилиб, улуғ аждодларимизга ҳар томонлама муносиб бўлиш, уларнинг бой маънавий-маърифий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш, шу билан бирга, жаҳоннинг илғор давлатлари ва маърифатли халқларидан кам бўлмаган даражада обод ҳамда фаровон яшаш учун кенг имкониятлар яратилди.

Бу оқилона сиёсат самараларини бугунги кунда барча шарт-шароитларга эга бўлган янги мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, қолаверса, ана шу замонавий таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари — навқирон авлодимиз вакиллари халқаро олимпиадаларда эришаётган улкан ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистонимиз истиқболига буюк ишонч билан қараган ҳолда дадил илгари сурилган ёруғ даъватлар натижасида 1997 йили қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўтган йиллар мобайнида амалда кенг татбиқ этилди. Дунёда ўхшаши кам бўлган ушбу Дастурга мувофиқ мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, бу Дастурнинг узвий, мантиқий давоми бўлган, 2004 йилда қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури амалга оширилди. Хусусан, мактаб биноларини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш каби устувор вазифалар муваффақият билан бажарилди.

Президентимиз табригида қайд этилганидек, **"биргина сўнгги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради".**

Истиқлол мевалари бўлган мутлақо янги турдаги ўқув юртлари — 1500 тадан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар бунёд этилди. Дунёдаги ҳатто энг ривожланган давлатларнинг фақат йирик шаҳарларидагина ташкил қилинган бундай ўқув юртлари мамлакатимизнинг чекка туманларида ҳам мавжуд бўлиб, улар учун гўзал ва замонавий бинолар барпо этилган.

Олий таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди, жумладан, замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган икки босқичли — бакалавриат ва магистратура тизими жорий этилди. Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар бошланганидан буён олий ўқув юртлари сони 2 марта ошди, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Биз фарзандларимизни ҳар томонлама етук, билимдон, комил инсон бўлиб етишишини истар эканмиз, таълим ва тарбия ишларини бир-бирига уйғунлаштирган, ўзаро боғлиқлигини таъминлаган ҳолда олиб боришимиз шарт.

Ўтган даврда олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш йўлида, жумладан, энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасидаги ушбу ғоят муҳим масалани ечишда, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **"биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳақиқатан ҳам қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз, аввал тажрибамизда мутлақо кўрмаган марраларни забт этишга қандай катта меҳнатимиз сингганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир".**

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган, инсонни камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз ғоялар ўртасидаги кураш кескинлашган бугунги даврда ёшларнинг билим ва ахборотга бўлган эҳтиёжини умуминсоний ғоялар билан қондириш, уларни юксак тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, **"бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кўпайиб, инсон қалби ва онгини эгаллаш, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий оламини издан чиқариш, уларни ўз ота-онасига, эл-юртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади".**

Шундай экан, мамлакатимизда инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, унинг барча қарашларининг мезони ҳисобланган маънавиятни янада юксалтиришга қаратилган ислоҳотлар изчил давом этаётгани айни муддаодир.

Шу кунларда юртимизда Қурбон ҳайити кенг нишонланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 26 сентябрда қабул қилинган "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ушбу муборак айём жойларда умумхалқ байрами сифатида тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказилмоқда. Бу, бир томондан, Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти юксак эканини ифода этса, бошқа томондан, юртимизда миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш масаласига шунчалик катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Чиндан ҳам, мустақиллик йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Ўтган даврда юртимизда миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, буюк аждодларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида амалга оширилган беқиёс ишлар ҳақида узоқ тўхталиш мумкин.

Энг муҳими, наинки маърифат ва маънавият соҳаларида, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришаётган улуғвор ютуқ ва марраларимиз тимсолида Ўзбекистон дунёнинг тараққий топган демократик мамлакатлари қаторидан мустаҳкам жой эгаллаш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш йўлидан дадил одимлаётганини кўрамиз. Ўз навбатида, буларнинг барчаси ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсат натижаси, "ўзбек модели" самаралари эканига такрор-такрор ишонч ҳосил қиламиз.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

*G'aroyib olam*

**Бугунги кунда дунёда ер юзини велосипедда кезиб чиқиб, рекорд ўрнатганлар ҳам, отда, машинада, қўйингки, пиёда айланиб чиққан машҳур саёҳатчилар ҳам кўплаб топилади.**

# Биз билган ва билмаган дунё

## ҒАРОЙИБ САЁҲАТЛАР



Масалан, Хараре шаҳрида истиқомат қилувчи англиялик Фийона Кэмпбелл Кейптаундан Жазоиргача бўлган катта ва серсинов масофани пиёда босиб ўтган. Ҳисоб-китобларга қараганда, у бу йўлда умрининг бир йилга яқин вақтини турли саргузаштлар билан ўтказган. Аниқланишича, Ф.Кэмпбелл 14 минг километр масофани пиёда босиб ўтган. Аслини айтганда, бу Ф.Кэмпбеллнинг жаҳон бўйлаб қилган саёҳатининг бир қисми, холос. У аввал ҳам пиёда Америка ва Австралияни айланиб чиққан эди.

Дунёдаги ғаройиб саёҳатчилар ҳақида гап борар экан, индонезиялик 6 ёшли Ландрининг исми алоҳида тилга олинади. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки у жуда ёш бўлишига қарамай Ява оролидаги Самаранга шаҳридан мамлакат пойтахтигача бўлган 550 километр масофани пиёда босиб ўтган. Ландри улғайганда самолёт борт кузатувчиси бўлишни ва ўзининг ватанини осмону фалакдан туриб кузатишни орзу қилади.

У пиёда юриш бўйича бундан уч йил муқаддам дунё болалари ўртасида ўрнатган антиқа рекордини яна ўзи янгилади. Ўшанда у 512 километр масофани пиёда босиб ўтган эди. Дарвоқе, Ландри сўнгги саёҳатида ҳар куни 20 километрдан йўл юрган ва унга отаси ҳамроҳлик қилган.

Норвегиялик Эрлинг Кагге Жанубий Қутбга ҳеч бир техника воситаси ёрдамисиз етиб борган дунёдаги биринчи одам ҳисобланади. Беркнер оролидан йўлга чиққан Эрлинг 1310 чақирим масофани роппа-роса 50 кеча-кундузда босиб ўтган. Кагге ўз саёҳати давомида фақат чанғидан фойдаланган, холос. Албатта, бундай саёҳат осон кечмайди, 120 килолик озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж юкларини ўзи билан олган Эрлинг ҳам, бир талай қийинчиликларни бошидан ўтказишига қарамай, матонати туфайли кўзлаган манзилига муддатидан 10 кун илгари етиб боришга муваффақ бўлган.

Франциялик Матье Пули эса, ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб квартирасидан Бали оролларига велосипедда боришга аҳд қилади. Бу саёҳат бир йил давом этиб, Матье Европа ва Осиёнинг 11 та мамлакатини кесиб ўтади. У қадимий маданиятга эга бўлган 35 та шаҳарга ташриф буюриб, ЮНЕСКО рўйхатидан жой олган меъморчилик намуналари билан танишишни ҳам эсдан чиқармайди.

Ганновер шаҳри яқинида жойлашган қишлоқларнинг бирида истиқомат қилувчи Хайнц Штюкке жаҳондаги 170 мамлакатни велосипедда айланиб чиқишни ўз олдига ният қилиб қўйган ва шу мақсади йўлида 1980 йилда ўз қишлоғидан чиқиб кетган. Шуниси қизиқки, у саёҳат давомида ҳар бир мамлакатнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишга ва ўрганишга ҳаракат қилган. Штюкке ўз умрининг 28 йилини йўлда ўтказган. Бу давр мобайнида у 335 минг километр йўлни сабр ва сабот билан забт этган.

Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи Жамил Аднан ёшлигиданоқ дунё бўйлаб саёҳат қилиш орзусида яшарди. Буни қарангки, айнан шундай ниятни унинг бўлажак рафиқаси, мисрлик Шаҳризод ҳам юрагида тугиб юрган. Юлдузи юлдузига тўғри келиб, оила қургач, бу икки ёш 1996 йилнинг ноябрида Марокашнинг Касабланка шаҳридан ўзларининг тўққиз метрли "Барака-1" деб аталган елканли кемасида катта саргузаштлар излаб саёҳатга жўнашган. Улар Атлантика уммонининг шиддатли тўлқинларини ҳам муваффақиятли кесиб ўтгач, Панама канали орқали Австралия томон йўл олишган. Сўнгра эса, Индонезия, Шри-Ланка ҳудудлари оша Қизил денгизга чиқишган. 37 ёшли Аднан ва унинг рафиқаси ҳатто Ўрта Ер денгизидан ҳам сузиб ўтишни унутишмади.

Франциялик Стефан Пейрон эса, елканли кемада Атлантика уммонини биринчилардан бўлиб сузиб ўтган сайёҳ ҳисобланади. У Нью-Йоркдан йўлга чиққач, 46 кун мобайнида сузиб, Франциянинг Ла-Пошел портига етиб келган. Саёҳатчи 6500 километр масофани ёлғиз сузиб ўтишга эришган.

Бу каби саёҳат ишқибозларининг қизиқарли ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, бу дунёда турли-туман қизиқиш ва эзгу ният билан яшаётган одамларнинг кўплигига амин бўламиз.

**Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

*Mezon*

# Меҳнат ҳуқуқи

## судлар томонидан амалда самарали таъминланмоқда

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, меҳнатга оид низолар бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилганда, давлат божи ундирилмайди. Яъни амалдаги Меҳнат кодексининг 277-моддасига мувофиқ, меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар бўйича судга мурожаат қилган даъвогарлардан даъво аризалари учун давлат божи ундирилмайди. Бу эса, меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидан бири бўлиб, ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора сифатида эътироф этилади. Айнан шундай меъёр Солиқ кодексининг 329-моддасида ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра, даъвогарлар — иш ҳақини ундириш ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Хулоса ўрнида айтганда, судлар томонидан меҳнатга оид низолар қонун талаби асосида ўз вақтида ҳал этилаётгани фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш билан бирга ҳаётимизда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Жўрабек ХУДОЙНАЗАРОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раисининг ўринбосари*

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Ўзбошимчалик панд берди

**Бу ҳаётда қонун талаби асосида фаолият юритадиган, ҳалолликни умр мазмуни деб биладиган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Аксинча, қонунга зид иш тутиш охир-оқибат жавобгарликка сабаб бўлади.**

Айтайлик, қонунда белгиланган меъёрларга риоя этган ҳолда уй-жой қурган киши, ҳеч шубҳасиз, меҳнатининг самарасини кўради, янги уйда оила аъзолари билан ҳузур-ҳаловатда яшайди. Бироқ ҳаётда ўзбошимчалик билан уй-жой қуриб, ҳам ўзига, ҳам ўзгаларга ташвиш келтирадиган айрим кимсаларнинг учраб туриши ғоятда ачинарлидир.

Мисол учун Шеробод туманидаги Вандоб қишлоғида яшовчи Турсунпўлат Қурбоновнинг қонунга беписандлик билан қараб, асоссиз ҳужжатларни рўкач қилган ҳолда ўзбошимчалик билан иморат қургани унинг ўзига зарар келтирди.

Гап шундаки, у "Сурхон" давлат қўриқхонасининг "Вандоб" бўлимидаги ҳududдан ўзбошимчалик билан 0,06 гектар ер майдонини эгаллаб олиб, қурилиш ишларини бошлаб юборади.

Қўриқхона маъмуриятининг бир неча марта огоҳлантиришига қарамай, Т. Қурбонов қурилишни давом эттиради. Шундан сўнг қўриқхона раҳбарияти судга даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, тақдим этилган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқди. Шундан сўнг суд ҳақиқатан ҳам, Т.Қурбонов "Сурхон" давлат қўриқхонасига тегишли ҳудудда иморат қуриш учун рухсатнома олмаган, архитектура ва қурилиш қоидаларига амал қилинмаган, деган тўхтамга келди.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодекси 212-моддасининг биринчи бандида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади, деб қайд этилган. Шунингдек, ушбу модданинг учинчи бандида, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим, дея кўрсатилган.

Суд мазкур меъёр талабидан келиб чиқиб, Т.Қурбонов томонидан қўриқхона ҳудудидаги 0,06 гектар ер майдонида ноқонуний равишда қурилган 3 хонали уй ва бошқа қўшимча иморатларни жавобгар ҳисобидан buздириш ҳамда ер майдонини дастлабки ҳолатга келтириш хусусида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шуни унутмаслик лозимки, ҳар бир ноқонуний хатти-ҳаракат эртами, кечми ўзининг шундай ҳуқуқий ечимини топади. Асосий қонунимизнинг 20-моддасида белгилаб қўйилганидек, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда, бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўзбошимчалик, қонун талабини писанд қилмаслик ҳеч кимга наф келтирмайди. Шундай экан, ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига дахл қилмайдиган, қонун талабига оғишмай риоя этадиган кишининг ҳаёти осуда ва ҳаловатли кечишини доимо ёдда тутайлик.

**Илҳом ТАШМИРАТОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судининг судьяси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

*МУАССИС:*
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

*Навбатчи муҳаррир:*
Сардор ҲАМРОЕВ
*Саҳифаловчи:*
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Буюртма: Г-1022. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7514.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20:00 Топширилди: 22:00